

**ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА ЛИДЕРЛИК МУҲИМ
ХУСУСИЯТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА**

Намоз Эшов Санокулович

ЎзР ИИВ Ташкент шаҳар 1-сонли академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-
гуманитар фанлар кафедраси етакчи ўқитувчи

Абдусаттор Қулахмедов Баҳриддинович

ЎзР ИИВ Ташкент шаҳар 1-сонли академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-
гуманитар фанлар кафедраси бош ўқитувчи, юридик фанлари номзоди,
доценти

Ли Юрий Михайлович

ЎзР ИИВ Ташкент шаҳар 1-сонли академик лицейи Ҳуқуқий ва ижтимоий-
гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчи

Аннотация:

Мақолада лидерлик хусусиятларини лицей ўқувчиларида шакллантириш билан бир қаторда лидерлик хусусиятларини илмий ёндошув орқали таҳлилига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: лидер, раҳбар, авторитар, демократик, либерал, эгилувчан, догматизм, гуруҳ, жамоф, бошқарув, мавқе, стратегик, инновацион.

Янгиланаётган Ўзбекистон Ички Ишлар таълими соҳасига замонавий билим, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида бўлажак масъул хизматчиларнинг лидерлик хусусиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро миқёсда Ички Ишлар масъул хизматчиларининг лидерлик сифатларини ривожлантириш ва баҳолаш стратегик аҳамият касб этиб, Ички Ишлар таълим тизимини модернизациялаш, ижтимоий муҳит ёшларига интеграциялаш, компетенцияларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, мазкур йўналиш таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.



Шахснинг лидерлик хусусияти нима деган саволга қуйдагича жавоб бериш мумкин. Лидерлик – қарор қабул қилиш билан боғлиқ бошқарув мақеи, ижтимоий мавқе бўлиб, раҳбарликдир. ИИВ тасаруфидаги лицей ўқувчилари турли ижтимоий роллар ва мавқеларга шахслардан иборат бўлади. Етакчининг ижтимоий мавқеи унинг лидер кўринишидаги ижтимоий ролни бажарилишини тақозо этади.

Лидерлик – бошқаларга таъсир этиш бўлиб, бу таъсир қуйдаги шартларга жавоб бериши керак:

- Лидерлик – гуруҳдаги табиий ижтимоий-психологик жараён бўлиб, шахснинг, шахс обрўсининг гуруҳ аъзоларига таъсир этишига асосланган.
- Лидерлик норасмий ҳодиса бўлиб, гуруҳнинг руҳий психологик умумийлигининг рамзи ҳисобланади ва гуруҳ аъзоларнинг ҳаракатлари учун намуна вазифасини бажаради.

Ҳал этилаётган муаммонинг қўллашига қараб лидерликнинг қуйдаги кўринишлари мавжуд:

- 1) кундалик юмушларга асосланган лидер (мактаб, курсантлар гуруҳидаги лидерлик);
- 2) ижтимоий лидер (ўқиш фаолияти, ижодий ва спорт жамиятларида);
- 3) сиёсий лидер.

Бу лидерларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлиб, биринчи гуруҳдаги лидерлар бошқа турларга ўтиш имкониятига эга.

Шунга кўра, лицей ўқувчисининг муваффақиятли лидерликка юқори интеллект ва билим, тўғрисиқлик, соғлом ақл, ташаббускорлик, ўзига ишонч, қоидаларга риоя қилиш, тиришқоқлик, ишончлилиқ, масъулиятлилиқ, ижтимоий фаоллик таъсир кўрсатади. Лицедаги ўқувчиларнинг лидерининг муҳим хусусиятларидан бири яхши муносабатларни ўрнатишни сақлаб қолишни назарда тутадиган, ўқув гуруҳи учун муҳим бўлган муносабатларни ўрнатиш имконини берадиган мулоқотчанлик қобилиятидир.

Лицей ўқувчиларининг лидерлигига кўпроқ тегишли характер сифатларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган хусусиятлар: эгилувчанлик - догматизм, маҳсулдорлик, тафаккурнинг таҳлилийлиги ва тезлиги.

Бошқарув психологиясида юқоридаги хусусиятларга қуйдагича таъриф берилади: Эгилувчанлик - догматизм. Догматик лидерга қарор қабул қилинаётганда ва янги ахборотни ўрганаётганда ҳамда янги ахборотни ўрганаётганда тамайил, қоида, анъаналар ўта муҳимдир. Тафаккур



эгилювчанлиги янги маълумотни олишга мойиллик билан боғлиқдир. Тафаккур эгилювчанлиги гуруҳ ҳаётийлигини таъминлаб берувчи гуруҳ ёки ташкилотни бошқаришдаги ўзгаришларга ўрганиш имконини беради.

Тафаккур маҳсулдорлиги - лидернинг реалликда исботини топган ғоя ва новаторлик қобилиятида ўз аксини топади. Чунки лидер баъзи пайтларда ҳеч кимга таянмай мустақил тарзда тезда қарор қабул қилиши керак бўлган вазиятларда қолди.

Тафаккур тезлиги. Секин ўйлайдиган одам лидер бўла олмайди. Афсуски, секин ўйлайдиган одамлар категориясига қабул қилаётган қарорларини обдон таҳлил қиладиганларни ҳам киритишга ўрганиб қолдилар. Ҳаётда бу сифат конун бўйича уларни ҳеч қачон уялтирмайди, аммо лидер бўлишларига жиддий ҳалал беради.

Тафаккурнинг тахлилийлиги. Агар лидерда вазиятни таҳлил қилишга мойиллик бўлмаса, у ўзининг бошқарувчилик позициясини кўп ушлаб тура олмайди.

Лидернинг шахсий қадри - ҳам тақлид қилиш намунаси ҳам ҳурмат предметиدير.

Лицей ўқувчиларининг лидерликни ташкил этувчи “Мен” концепциясини адекват англаш раҳбарга бошқарув функциялари асосини янада аниқ амалга ошириш имконини беради. Улар: режалаштириш, конфликтларни тўғирлаш учун қарор қабул қилиш, меҳнатни рағбатлантириш ва бошқалар.

Социология ва сиёсатшуносликда ҳам расмий ва норасмий лидерлик ажратиб кўрсатилади. Бунда расмий лидер – раҳбар ҳисобланади, норасмий лидер эса раҳбарлик салоҳияти ва қобилиятига эга, лекин раҳбар статусидаги бўлмаган шахсга нисбатан қўлланилади. Анъанавий ҳолда адабиётларда бу тушунчаларни куйидаги кўрсаткичлар бўйича фарклаш қабул қилинган:

- 1) бошқарув муаммосининг мазмунига кўра – лидерлик шахснинг жорий вазифалари, алоҳида муаммоларни ечиш ҳақида ғамхўрлик қилади лидер эса инновацион ғояларни ривожлантиради, келажақдаги вазифаларни ечишга асос солади.
- 2) шахсга таъсир этишга кўра – лидрдирлар бўйсунувчиларнинг зарур топшириқларни бажарилишини мажбурлаш орқали амалга оширади, лидер эса одамларда бу топшириқларни ўз ҳоҳиши билан бажаришига эришади.

Лицей ўқувчиларини лидери ўз-ўзини фаоллаштириш ва уни амалга ошириш қобилияти, фаолликнинг ўзига хос хусусиятлари “олдиндан



белгиланмаганлик, меъёрий сифатлар индивидуал ҳолатда мақсадга йўналтиришда ривожланиш имкониятлари” лидерлик сифатларини юқори даражасини кўрсатади.

Ҳар бир лицей ўқувчисининг лидерликлиги ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишдадир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш усуллариға характеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб – авторитар, демократик ва либерал иш услубларидир.

Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ равшан, кескин оҳангда бўйсунувларға етказди. Мулоқот жараёнида ҳам бўйсунувчиларға нисбатан дўқ-пўписа, кескин таъқиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири - ўз ҳукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан бўйсунувчиларни мақташ ёки уларға жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятиға ва ўша шахсларға нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ.

Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларға мустақиллик, эрк бериш тарафдори. Ўқиш давомида вазифлар қўйганда гуруҳдошларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобға олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у гуруҳдошларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобға олади. Буйруқ ёки топшириқдар, одатда, тақлиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор гуруҳдошини мақташ, фаолиятдаги камчиликка кўра фаолиятиға баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалға оширади.

Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган лидернинг кайфиятини ўқишға муносабатидан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда таъқиқлаш пўписа бўлмайди унинг ўрниға кўпинча фаолиятининг охириги оқибати билан танишиш билан чекланади холос. Шқув жамоада ҳамкорлик ёки лидер жамоанинг муаммоларининг баланд-пасти билан қизиқмайдиган, гўёки бошқа “қоинотда” юрганға ўхшайди. Аниқ кўсатмалар бермайди, унинг ўрниға норасмий лидерлар ёки ўзига яқин гуруҳдошлари орқали таъсир этишниши лозим бўлган топшириқлар ўқувчиларға етказди. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, бўйсунувчилар учун керакли шароитини яратиш, фаолиятдаги камчиликларни бартараф этиш, мажлисларда қатнашиш ва



хоказолардан иборат.

Гуруҳдошлари билан мулоқотда бўлишга тўғри келганида, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди.

Бошқарув психологияси нуқтаий назаридан лидерлик – куч ишлатишга асосланмаган ҳокимият ҳисобланади. Лидерлар қаердан вужудга келишини ҳеч ким билмайди, лекин жамоаларда лидерлар юзага келиши билан ўқув гуруҳларида фаолликлар юришиб кетади.

Ички Ишлар Вазирлиги лисейи ўқувчиларни лидерлик каби шахсий қобилиятларни ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади. Чунки ўқувчи қобилият сифатларини барча хусусиятлари, жумладан, компетентли ёндашишда келажакдаги касбий сифатларни ривожланишига кўмаклашувчи фаолиятни ташкил этувчини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Ўқув гуруҳига лидерни танлаш, кўпинча, гуруҳдаги кайфиятга боғлиқ, лидерлик эса, нисбатан барқарор ҳодиса. Гуруҳдошларига раҳбарлик, лидерликдан фарқли равишда турли чеклашларнинг нисбатан аниқ тизимига эга. Лидерда эса бундай имконият мавжуд бўлмайди.

Бўлажак ИИВ ходимларининг лидерлик сифатлари “идеал яхлитлик”ни акс эттиради, яъни уларга касбий фаолиятдаги нафақат воқеликдаги мавжуд, балки амалга ошмаган имкониятларини рўёбга чиқаришга муносабатларда ҳам ишончли ҳаракат қилишга туртки беради. Лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи касбий фаолиятдаги эҳтиёж ва унга тайёрланганлик даражаси ўртасидаги зиддиятлар ҳисобланади.

Олимларнинг фикрларига таянган ҳолда ушбу атама мазмун ва моҳиятини “Компетентли, лицей ўқувчиларини лидери – юксак билимларни ўзида мужассамлаштирган, юқори даражада интеллектуал салоҳиятга эга, мукаммал жисмоний тайёргарликдан ўтган, ғоявий жиҳатдан шаклланган, замонавий техника ва билимлардан мақсадли фойдалана оладиган, ўз халқига, Президентига мислсиз садоқатли, Ватан шаъни ва қадр-қимматини доим ҳимоя қилувчи, кимга ва нима учун хизмат қилаётганлигини тўлиқ англаб етган профессионал шахсдир” деб, изоҳладик.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сатторов Э.Н., Алимов. Х. “Бошқарув мулоқат” Тош, Академия 2003 й
2. Махмудов. И. “Бошқарув психологияси”. Тош. YUNAKS-PRINT. 2006й
3. Ishmuhamedov R. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo‘llari. – Т., Nizomiy nomidagi TDPU, 2009.
4. O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. 25-fevral 2021-y. (<http://lex.uz>).

